/

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Хоразм вилояти ҳокимлигининг
“Ягона буюртмачи хизмати”
инжиниринг компанияси
директори
_______________Ш.Отаев

_______________.2022 йил

**Буюртмачи:** Урганч тумани "Обод" МФЙ (1,74км), Кластер усулида цемент-бетон қопламага ўтказиладиган ички йўлларни жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Урганч шахри -2022**

## Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

Ушбу йуриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқарув Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чикилди

### ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 Хизматда шартнома асосида Урганч тумани "Обод" МФЙ (1,74км), Кластер усулида цемент-бетон қопламага ўтказиладиган ички йўлларни жорий таъмирлаш учун лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чикиш учун (Лойиха смета ҳужжатлари, Топосёмка, геология ва муаллифлик назоратини юритишни ўз ичига олган ҳолда).

1.2. Танлов қиймати – 28711,46 (Йигирма саккиз миллион етти юз ўн бир минг тўрт юз олтмиш) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан лойихачи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 иш кунда тўлиқ бажариш талаб қилинади.

### 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Хоразм вилояти ҳокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Урганч шаҳар Ал-Хоразмий кўча 23-уй

Эл.манзил: xorazm_ik@umail.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан катьий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3,2Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар талаб этилади:

танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Лойихалаштириладиган объект лойихалаштириш тоифасига кўра 3-тоифали, лицензияси бўлиши, шунга ўхшаш объекларда ишлаган бўлиши лозим. Низом маблағи миқдори. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳсат этилади.

3,3Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги ва олдин ишлаган объектлар бўйича ишлар ўз муддатида бажармаган ва лойиҳачини айби билан муддати ўтган ишлари мавжуд бўлса

3,4Танлов иштирокчилари - танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график кисми (чизмалари) билан танишиб чикиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши хакида мурожаат килишга хақлидирлар.